

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

“Улуғбек Келажак Бунёдкори” х/к номидан (кейинги ўринларда “бажарувчи” деб аталади) раҳбари **У.Ашуров** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи **Бувайда ДСИ** номидан раҳбари **Т.Арзиматов** (келгусида “харидор” деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома мазмуни.

1.1. «Бажарувчи» «харидор»га қуйида маҳсулотлар (хизматлар)ни етказиб беради; **Чугун батарея ва трубалар**

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 99 700 000 (тўқсон тўққиз миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади.

1.3. Маҳсулотлар қуйидаги ассортиментда етказиб берилади;

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Чугун батарея ва трубалар	Дона	125	797600	99 700 000
	Жами:				99 700 000

2. Хисоб-китоб шартлари

2.1. Олинган маҳсулотларга келишилган нархларда хисоб китоб қилинади.

2.2. “Бажарувчи” маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, ўзаро солиштирма далолатномаларига асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун “харидор” пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. “харидор” олдиндан 30% аванс тўловини амалга оширади, ҳамда 70% тўлов маҳсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади ва хисоб-китоб 15-кун ичида амалга оширилади.

2.3. Маҳсулот учун ҳудуддаги ўртача бозор нархлари, колсантинг фирмалари ҳулосалари, бозор ҳудуддаги нархлар асос қилиб олинади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ “бажарувчи” зиммасидан қопланади.

3. Маҳсулот етказиб бериш.

3.1. «Бажарувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни иловадаги тақсимотномага асосан бюджет муассасаларининг манзилгоҳларига белгиланган муддатларда етказиб беради.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. «Бажарувчи» “харидор” томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва

бош хисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмолок мухр босилган ишонч қоғози кўрсатилгандан сўнг махсулот беради.

4.2. "Бажарувчи" махсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб беришга кафолат беради.

4.3. "Бажарувчи" ҳужжатлар тўғрисида расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади ҳамда махсулотларни сектор қошида белгиланган таркибдаги комиссияси далолатномаси ва эҳтиёж тақсимотига асосан харидор манзилгоҳига етказиб беради.

4.4. "Харидор" шартномада кўрсатилган махсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина қабул қилиб олади.

4.5. "Харидор" қабул қилиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, "бажарувчи"га ёзма далолатнома(АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган махсулотни "бажарувчи"га қайтариб беради.

4.6. "Бажарувчи" "харидор"га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган махсулотлар беради. Агар "бажарувчи" томонидан "харидор" нинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч қоғозида белгиланган миқдордан ортиқча берган ҳолларда, бу махсулотлар учун "харидор" томонидан ҳақ тўланмайди.

4.7. "Бажарувчи томонидан "харидор"га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса, бу махсулотлар "бажарувчи"га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

4.8. "Бажарувчи" етказиб берган махсулотларни ҳисоб варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт, шунингдек ҳисоб варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаш-тириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, категория-лари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

5. Жарималар қўлланилиши.

5.1. Агар "бажарувчи" томонидан "харидор"га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб келган ҳолда "харидор" "бажарувчи"дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 20% ошмаган ҳолда жарима қўллаб қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Ўз вақтида етказиб берилмаган махсулотни умумий қийматини 0.5% ҳар бир муддати ўтган кун учун "харидор"га пеня тўлайди. Бундан пенянинг миқдори етказиб берилмаган махсулот қийматидан 50% ошмасин.

5.3. Жаримлар тўланиши "бажарувчи"ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. Шартнома муддати.

6.1. Шартнома ҳар иккала томон имзолагандан сўнг ва ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан кейингина кучга киради.

6.2. Шартномада белгиланган махсулотларни етказиб бериш муддати шартнома тузилган ойнинг охириг санасигача.

6.3. Шартномада белгиланган махсулотларни етказиб берилгандан сўнг етказиб берилган махсулотнинг таловини амалга ошириш муддати шартнома тузилган санадан 2022 йил 31 декабргача.

6.4. Шартнома томонлар келишувига асосан «бажарувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1; 4.2; 4.3-бандлари бажарилмаганда шартнома «харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиши мумкин. Бекор қилинганлиги тўғрисида «харидор» «бажарувчи»га ёзма равишда асосларни келтирган холда хат билан маълум қилади.

7. Форс – мажор ҳолатлари.

7.1. Шартнома бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар ўртасида музо каро йўли билан , хал қилиб бўлмаса хўжалик суди орали хал этилади.

7.2. Табиий офатлар, уруш ва оммавий тартибсизликлар сабали шартнома шартлари бжарилмаса томонлар мулкый жавобгарликдан озон этилади.

8. Қўшимча шартлар.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан хўжалик судлари орқали хал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб ва ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан кейин, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томон келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган холда қонуний деб ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

“ТАЪМИНОТЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

“Улуғбек Келажак Бунёдкори” х/к

БУВАЙДА ТУМАНИ ДСИ

Манзил: Учкўприк тумани Ўқитувчилар кўчаси

Манзил: Бувайда тумани Янгикўрғон Қишлоғи Дўстлик кўчаси №2-уй

Тел: +99899 006-29-32

Тел: +99899 935-87-70

Х/р: 20208000500645670001

ШХР: 400110860302127011332093001

ИНН: 304028284

ИНН: 200162474

Банк номи: Универсал банк Учкўприк филиали

Банкнинг номи: Тошкент ш., Марказий банкнинг Тошкентш.ХККМ

МФО: 00973 **ОКОНХ:** 61110

МФО: 00014



Рахбар:


С. АШУРОВ

М.ў.

Рахбар:

Т. Арзиматов

М.ў.

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	TULKIN ARZIMATOV SOTVOLDIYEVICH
	Imzolangan sana	15.12.2022 09:37
	Hujjat kodi	RG5306184384
	Hulosa kodi	PI7580411560

- сонли шартномага
ИЛОВА

Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки ташкилотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

Телеграм-канал ("@xxxxxxxxxxx");

(давлат органи ёки ташкилотининг номи) расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

ТОМОНЛАР:


“ТАЪМИНОТЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”



Улугбек Келажак Бунёдкори” х/к

БУВАЙДА ТУМАНИ ДСИ

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	TULKIN ARZIMATOV SOTVOLDIYEVICH
	Imzolangan sana	15.12.2022 09:37
	Hujjat kodi	RG5306184384
	Hulosa kodi	PI7580411560



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

PI7580411560

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **MAHSULOT ETKAZIB BERISH ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: BUVAYDA TUMANI DAVLAT SOLIQ INSPEKSIYASI tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buvayda tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



SH.V.ABDURAXIMOV

14.12.2022